



140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy
Tel.: (8-366) 629-15-10, faks (8-366) 629-11-54

140704, г.Иштихан ул.Иштиханская д.4,
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

20 18 у.г «27» Октябрь

№ 2846-к

Ishtixon sh.-г.Иштихан

Иштихон кичик саноат зонаси худудидан “OSTIN-GROUP” МЧЖга “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш учун музлатгич омборхонаси” қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги ПҚ-3607-сонли “Самарқанд вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари Самарқанд вилояти маъмурий кенгашининг 2018 йил 03 октябрдаги 4-сонли йиғилиш баёни ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасига асосан


ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари Самарқанд вилояти маъмурий кенгашининг 2018 йил 03 октябрдаги 4-сонли йиғилиш баёни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари Самарқанд вилояти маъмурий кенгашининг 2018 йил 03 октябрдаги 4-сонли йиғилиш баёнига асосан Иштихон кичик саноат зонаси худудидан жойлаштириш учун “OSTIN-GROUP” МЧЖнинг “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш учун музлатгич омборхонаси” лойиха таклифлари маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
3. “OSTIN-GROUP” МЧЖга “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш учун музлатгич омборхонаси” бино иншоотлари қуриш учун Иштихон кичик саноат зонаси худудидан 0.126 гектар ер майдони ажратилсин.
4. “OSTIN-GROUP” МЧЖ раҳбари М.Рахматовга белгиланган тартибда ажратилган ер майдонини вилоят экологик экспертизасининг хулосасини олиш ҳамда лойиха олди ва лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлатиш, тегишли ташкилотлардан рухсат олингандан сўнг лойиха бўйича қурилиш ишлари замонавий қурилиш материаллари ва конструкциялари асосида қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.
5. Туман бош архитектори (И.Азимов)га ушбу ер майдонида “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш учун музлатгич омборхонаси” биноси қурилишини лойиха асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.
6. “OSTIN-GROUP” МЧЖга раҳбари М.Рахматовга лойихани тасдиқланган тармоқ жадвалига мувофиқ ўз вақтида амалга ошириш ва ишга тушириш;
ишлаб чиқариш қувватларига замонавий ва энергия тежамкор технологияларини ўрнатиш;
инвестиция лойиха параметрлари бажарилишини, жумладан ишлаб чиқариш ва экспорт прогнозини бажариш ва янги иш ўринлари ташкил этиш.

7. Туман ҳокимининг ўринбосари Б.Ҳақимовга лойихани тасдиқланган тармоқ жадвалига мувофиқ ўз вақтида амалга оширилиши ва олинган инвестиция мажбуриятлари бажарилиши бўйича тизимли мониторинг ўрнатсин ва зарур ҳолларда лойиха ташаббускорига амалий ёрдам кўрсатсин.

8. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Исламов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ш.Негматов